

ISSN 2010-5517

Jahon ADAABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Iyul – 2018

ри
сти
ал-
ёш
зага
Да-
гла
ни

ши
ек-
/рт
го-
ли,
ют
ёр
ди.
да
ит
ир
ор-
ча

со-
си-
од
и-
да
ек-
ан
ян.
ыл-
да

и
ти
ни



ЭЛИ ЭЛИГА, ДИЛИ ДИЛИГА ПАЙВАНД

(Ўзбек ва туркман адабий алоқаларига бир назар)

Маълумки, ҳеч бир халқ маданияти, адабиёт ва санъати ўз-ўзидан тараққий қилмайди. Узок-якин миллатлар бири-бирининг моддий ва маънавий турмуш тарзига таълим ва таҳсил, таржима ва маданий муносабатлар оркали таъсир ўтказади. Ўзбек ва туркман халқлари муҳташам ҳаёт дарахтининг азал-азалдан ёнма-ён ўсаётган шохлари саналади. Уларнинг қадим тарихи, урф-одатлари, миллий анъаналари бир-бирига яқин; узоқ мозийдан келаётган ораларидаги иқтисодий, савдо-сотик, маданий-адабий муносабатлари бугун ҳам давом этмоқда.

Ҳар икки халқнинг мумтоз адабиёти тарихига назар ташлангандар, ўша адабий алоқаларнинг илдизи нечоғлик чукур эканига амин бўлиш мумкин. Махтумкулининг отаси – Давлатмаммад Озодий ўз даврининг билимдон олими, таниқли зиёлиси ва шоири эди. Икки минг байтдан кўпроқ ҳажмли маснавий усулида ёзилган “Ваъзи Озод” асарининг мазмуни бу улкан шоирнинг Куръони Каримни, ислом дини тарихи, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари, шариат аҳкомларини жуда чукур билганини кўрсатади. Бундай диний-маърифий, умуминсоний дидактик мавзулар талқини туркман халқининг фозил шоири Махтумқули ижодида ўз ҳадди аълосига, теран поэтик такомилига етди. Бу ҳакиқатни ўз вактида Ҳ.Вамбери, А.Н.Самойлович, З.В.Тўғон каби таниқли мусташриқ олимлар эътироф этди. Дарвоҳе, Алишер Навоий, Бобур, Сўфи Оллоёр, Машраб каби ўзбек шоирлари туркман адабий-маданий ҳаётида нақадар эҳтиромга эга бўлса, Махтумқули, Мулланафас, Камина каби туркман шоирлари ўзбек ўқувчилари қалбига шу даражада яқин. Айнинса, Махтумқули шеърлари ўзбек ўқувчилари томонидан барча замонлар-



да севиб ўқилди; ҳофизлар шоирнинг шеърини куйга солиб, тўй-ҳашамда, байрамларда куйлаб келадилар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жуда ўринли таъкидлайдики: “Махтумқули асрлар мобайнида ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган, десак, хато бўлмайди. Унинг шеърлари ўзининг чуқур маъноси, ҳалқона рухи туфайли бахши ва ҳофизларимиз, шоирларимизга илҳом бериб, ҳамиша давраларда янграб келади” (“Махтумқули – сўзлар тили туркманнинг...”, *Махтумқулиниң ўзбек тилида нашр этилган китобига ёзилган сўзбоши. // Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент. “Ўзбекистон” нашиёти. 2018 йил, 368- бет*). Ҳақиқатан, шарқ адабиёти булоғидан сув ичган Махтумқули, ўз шеърларида Алишер Навоийни устоз сифатида тилга олади; Захириддин Муҳаммад Бобур асарларини ихлос билан мутолаа қилганини мамнуният билан эътироф этади. Аслида ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоий қандай улкан вазифани адо қилган бўлса, туркман адабиётида, туркманлар адабий-эстетик тафаккури тарихида Махтумқули Фироғий худди шундай муazzим вазифани бажарди. Махтумқули асрлар бўйи ўзининг бебаҳо шеърияти билан туркман ҳалқининг маънавий қиёфасини дунёга танитиб келади. Жаҳонга машҳур бу шоирнинг таълим олиши Хивадаги Шерғози мадрасаси билан боғлик. Мадрасага бағишлилаган “Гўзал Шерғози” шеърида шоир:

*“Макон айлаб, уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуши қол, гўзал Шерғози!
Ўтиредим қишингни, баҳор, ёзингни,
Кетар бўлдим, хуши қол, гўзал Шерғози!” –*

дея эҳтиромини баён этади.

Шу билан бирга Махтумқулиниң отаси Давлатмаммад Озодий, Андалиб, Мулламурод Хоразмий каби қатор туркман шоирлари учун ҳам Хива мадрасалари маънавият бешиги бўлиб хизмат қилди; улар қаламга олган мавзулар ва бадиий талқинлар ҳам қайсиdir жиҳатдан ўзбек мумтоз шоирларининг ижодий пафоси билан уйғун келади. Шунингдек, XIII аср охири XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган Мулламурод Хоразмийниң ғазаллари, айниқса, “Тоҳир ва Зуҳра” ва “Диловар ва Гуласрор” достонлари ўзига хос ҳалқона рухи билан ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда ўзбек фольклорига яқин туради. Бундай ҳалқона достонлар Нурмуҳаммад Андалиб ва Сайдмуҳаммад Сайёдий каби шоирлар ижодий меросида ҳам учрайди.

Ўз шеърларида Махтумқули анъаналарини давом этирган Мулланафас “Кўнглим” шеърида “Ўқидим достонинг, эй Хожа Аҳмад” деб Яссавийга мурожаат қилади ва бошқа ўринда ёзади:

*“Низомий, Навоий, яна Фирдавсий,
Румийнинг гулшани, ҳинднинг товуси,
Ёлғончи дунёдан ўтгум мен осий,
Сиза кўп хизматлар қўйгандир кўнглим”.*

Бу ўринда зикр этилган алломалар Мулланафас қалбига яқинлигини, туркман шоири улар ижодидан илҳом олганини англаш кийин эмас. Туркман адибларининг таълим ва таҳсили ҳамда таъсирланиш анъана-

шамда, в жуда инг ўз зининг юирла- тумқули р этил- аққиёт трамиз. икатан, ға Али- мад Болан эъ- кандай ғар адаб- шундай бебаҳо анишиб йерғози ғ" шеъ- ий, Ан- ҷун ҳам қаламга ек мум- қек, XIII род Хо- ва Гул- адабиё- стонлар ғар ижо- йуллана- беъ Ясс- ғлигини, мас. анъана-

лари изчил давом этди. Хусусан, XX асрнинг 30-йилларида таникли туркман ёзувчиси Хидир Деряев Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетида ўқиди. Бу олий даргоҳда бадий ижод сирларини ўрганди; мумтоз шарқ адабиёти билан бирга ўзига замондош ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини қунт билан ўқиди. Х.Деряев ўзи эътироф этиб ёзади: "Менда ўзбек романчилигига қизиқиш университеттада ўқиб юрган кезларимда бошланган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Мехробдан чайён" романлари менда бир умрга унтилмас таъсир қолдирди ва илҳом багишилади. Шу илҳом ва таъсир натижасида менда бир фикр туғилди. Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор-ку, мен ҳам шу ўтмишдан бир роман ёзсан бўлмайдими?..." Дарҳақиқат, адабнинг шу фикри ва ҳаваси ортидан туркман халқининг тарихидан хикоя қилувчи "Қисмат" деган муҳташам романни майдонга келди. Абдулла Қодирий билан Хидир Деряев романлари орасидаги ўхшаш ва муштарак жиҳатларни қиёсий-типологик нуқтаи назардан ўрганган профессор Каримбой Қурамбоев: "Хали ҳаётни романдек мураккаб жанрда тасвирлаш анъанага эга бўлмаган, реалистик проза жанри унчалик тараққий этмаган туркман адабиётида Х.Деряевнинг биринчи марта романга кўл уриши ва муваффакият қозониши тасодифий эмас. Бу ютуқнинг асослари, замини бор, албатта... Ўқищ, ўрганиш, ижодий изланиш ўз самарасини берди", деган эътиборли мулоҳазани ёзи¹. Таникли туркман шоири Ота Отажонов эса ўз хотираларидаFaфур Гулом билан Берди Кербобоев дўстлигини эсга олади; таникли туркман адабиётшуноси ва адиби Омон Кекилов Faфур Гулом ҳақидаги мақоласида "Бизнинг Faфур оғамиз" деб сарлавҳа кўяди. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳор ва Беки Сейтоқов, Зулфия ва Товшан Эсанова, Асқад Мухтор ва Қора Сейтлиев каби ўзбек ҳамда туркман ёзувчи-шоирлари орасидаги ўрнатилган дўстлик икки ҳалқ адабий алоқалари тарихида мухим ўрин тутади. Бундай тарихий фактлар ўзбек ва туркман адабларининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги, ўзаро ижодий таъсири ва акс таъсири юзасидан кенг тасаввур беради.

Адабий алоқалар икки ҳалқ адабиёти намуналари таржимасида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Алишер Навоий ғазалларини ўз вақтида Б.Кербобоев, Ё.Носирли, Б.Сейтаков, Д.Оғамамедовлар, "Фарҳод ва Ширин" достонини Комил Ишонов туркман тилига таржима қилди².

Озодий, Махтумқули, Мулланафас ва бошқа кўпгина шоирларнинг асарлари Жуманиёз Шарипов, Мирзо Кенжабек, Музaffer Аҳмад, Эргаш Очилов, Муҳаммад Пирриев, Олим Тўраев, Ойгул Суюндикова, Гўзал Бегимлар томонидан ўзбек тилига ўғирилди.

Таникли туркман адиби Б. Кербобоевнинг "Дадил қадам", "Ойсултон", "Небитдоғ" романлари, Х.Деряевнинг "Қисмат" роман-эпопеяси, Ота Кавшутовнинг "Небитдоғ этакларида" романни ўзбек ўқувчиларининг китоб жавонларидан ўрин олди...

Бугунги давр ўзбек-туркман адабий алоқалари манзарапарига назар ташлаш ҳам одамни хурсанд қиласи. Ашҳободда туркман тилида нашр бўладиган "Дуня адабиёти" журналида Ҳамид Олимжон, Зулфия, Эркин

¹ Қаранг: К.Қурамбоев. "Адабий таъсирдан ўзига хосликка" (Абдулла Қодирий ва Хидир Деряев) // Адабий жараён, ижод масъулияти, адабий алоқалар. Чўлпонномидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи. 2009 йил. 124-157-бетлар.

² Қаранг: К.Қурамбоев. Таржима ва таржимон масъулияти. Чўлпонномидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи. Тошкент, 2007 йил, 42-бет.

Вохидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон ва бошқа қатор шоирларнинг шеърлари босилди.

Бизнинг “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида замонавий ва мумтоз туркман шоирларининг туркум шеърлари, айрим туркман адиларининг ҳикоялари, шунингдек, талантли ёзувчи Отажон Тоғоннинг “Бегона” романи чоп этилди. Республикализнинг нуфузли нашриётларида Махтумқулининг “Асарлар” (2013 йил), “Булбул ноласи” (2014 йил), “Элингга бахш айла” (2017 йил), “Сайланма” (2018 йил) китоблари, шу билан бирга “Ўзбекистон” нашриётида Ораз Яғмурнинг “Махтумқулинома” (2016 йил), Давлатмамад Озодийнинг “Ваъзи Озод” (2018 йил) асарларининг босилиб чиқиши ҳозирги адабий-маданий ҳаётда жиддий воеа бўлди.

Туркман халқи орасида Мирали ва Султон Суюн, яъни Алишер Навоий ва Ҳусайн Байқаро муносабатларига доир фольклор намуналари кенг тарқалган. Табиийки, бу ҳам туркман халқининг улуғ шоиримизга эҳтироми ва меҳр-муруватининг ўзига хос оғзаки ифодасидир. Зоро, халқ бахшилари, истеъдодли адилар ҳамиша ўзларининг қалбига яқин адабий шахсиятларнинг номини абадийлаштиришга, уларнинг ҳаёти ва ижод йўлини бадиий образларда акс эттиришга ҳаракат қиласи. Шу эътибордан ўзбек ёзувчиларидан Қурбон Муҳаммадизо дастлаб Махтумқули тўғрисида “Фурбатда гарип” номли драмасини, истиқлол йилларида эса “Махтумқули” (2010 йил) номли романини ёзди. Адид ушбу хизматлари учун Туркманистон ҳукумати томонидан 2014 йилда Махтумқули номидаги халқаро Давлат мукофоти билан тақдирланди. Алоҳида таъкилаш керакки, ўзбек адабиётида шоир образининг бадиий талқини мухим ҳодиса ва, айни дамда, бир қатор ўзбек шоирларининг Махтумқули услубида – махтумқулиёна шеърлар ёзиши ҳам улуғ туркман шоирига ҳурмат-эҳтиром рамзидир.

Яна бир зарур гап шуки, Туркманистоннинг Тошқовуз вилоятида Рейимбой Собиров, Олим Тўраев, Юсуф Насим, Абдувоҳид Сайид Мухаммад, Ширин Раҳимова каби ўзбек тилида ижод қиласидан ва ҳар икки халқнинг энг яхши бадиий асарларини таржима этиб, китобхонларга етказиш йўлида ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар ҳам бор.

Мустақиллик йилларида ўзбек ва туркман миллати орасидаги адабий, маданий муносабатлар яна ҳам кучайди. Тошкентда туркман маданий маркази фаолият олиб боради; Ўзбекистон теларадиокомпаниясининг туркман тилидаги курсатув ва эшиттириш дастурлари бор. Ўзбекистондаги туркман мактаблари ўқувчилари учун қатор адабиётлар – ўқув дарслик ва қўлланмалар мунтазам босилади. Хивада Махтумқулига ҳайкал ўрнатилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентига эҳтиром сифатида Туркманистоннинг Лебап вилояти маъмурий маркази Туркманобод шаҳрида Ислом Каримов ҳайкалини ўрнатди; шунингдек, Лебап вилояти маъмурий марказий кўчаларидан бирига Ислом Каримов номи берилди. Зотан, “Туркман ва ўзбек халклари азалдан Амударёнинг икки қирғоғида ёнма-ён, аҳил-иноқ яшаб келган, хурсандчиликда ҳам, ташвишли кунларда ҳам бир-бирига елқадош бўлган” (*Шавкат Мирзиёевнинг Туркманобод-Фароб кўпикларининг очилишига багшиланган маросимдаги нутқидан. 2017 йил, 7 марта // Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни*

қатыяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент. Ўзбекистон” нашиёти. 2018 йил, 366-бет).

Эътиборли жихати шундаки, Тошкентда Махтумқули хиёбони ташкил этилиб, у ерга шоир ҳайкалининг ўрнатилиши, шаҳарнинг марказий Алишер Навоий кўчасига Махтумқули номли кўчанинг туташиб кетиши ва унинг давомидан муҳташам “Ашхобод” сайлгоҳининг барпо қилиниши – буларнинг барчаси яқин қўшничилик, хақиқий дўстлик ва қон-қардошликтининг ўзига хос рамзи саналади.

“Ким жаҳонда ҳалқа эҳсон айлагай,
Ҳақ унинг ишларин осон айлагай” (Озодий)

Ўзбек ва туркман ҳалқлари раҳбарларининг хайрли ишлари, ҳар икки миллат адиларининг адабий мероси – бу жаҳон аҳлига қилинган яхшилик ҳамда эҳсон сирасига киради, албатта.

*Баҳодир КАРИМ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети “Адабиёт назарияси
ва замонавий адабий жараён” кафедраси мудири*

ТЕАТР



Туркманистон театр санъати тарихи ва ривожланиш босқичлари Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар маданияти сингари анъанавийликдан профессионал шаклга ўтган ва бу жараён XX асрнинг бошларига тўғри келади. 1918 йилдан бошлаб Туркманистон худудида турли ҳаваскорлик театр тўгараклари тузила бошлади ва 1926 йилда дастлабки миллий драма студияси пайдо бўлди. Унда драматурглар К.Бурунов, О.Кавшутов, режиссёр Ю.Алимзодалар ҳаваскор ёшларга дарс берган. С.Муродова, А.Қулмамедов, К.Бердиев, О.Дурдиева, К.Қулмуродов каби актёrlар ушбу студиянинг дастлабки қалдирғочларидан бўлган.

1929 йилга келиб, шу студия негизида Мулланрафас номидаги драма театри ташкил этилади. Театрнинг дастлабки тараққиёт даврида миллий ва хорижий муаллифлар асарларига мурожаат қилиниб, Г.Мухторов, К.Сейтлиев, Б.Омонов, Қ.Кулиев, А.Н.Островский, У.Шекспир пьесалари саҳналаштирилди. Жумладан, Берди Кербобоевнинг “Юксалиш”, Алти Карлиевнинг “Ойна”, Гольдонининг “Икки бойга бир малай”, Гоголнинг “Ревизор”, Кавшутовнинг “Жума” каби асарлари репертуарни бойитди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида театр репертуарида маҳаллий муаллифлардан Берди Кербобоев, Омон Кекиловларнинг ва жаҳон драматургияси намуналаридан қаҳрамонлик, ватанпарварлик руҳидаги асарлар асосий ўрин эгаллади. Ундан кейинги йилларда А.Островскийнинг “Сердаромад жой” (1950), “Айбсиз айборлар” (1951), У.Шекспирнинг “Отелло” (1954), Э.Войничнинг “Сўна” (1956), Г.Мухторовнинг “Ўттизинчи йиллар” (1958), Н.Погодиннинг “Кремль куранти” (1959), “Куролли киши” (1970),

Журнал
1997 йил июндан
чиқа бошлаган.

2018/7
Жаҳон адабиёти

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

А.НАВОИЙ. Ёр чун истарки... (<i>Рус ва инглиз тилларига Т.Сендик, А.Буматова тарж.</i>)	3
---	---

МУҲАРРИР МИНБАРИ

А.МЕЛИБОЕВ. Олтиндан қиммат ҳазина.	8
--	---

HACР

Т.ДРАЙЗЕР. Қудратли Рурк. Ҳикоя. (<i>Рус тилидан О.Хожи тарж.</i>).	15
Х.КОРТАСАР. Онамнинг мактублари. Ҳикоя. (<i>Рус тилидан О.Отахон</i>).	36
В.СУМИН. Биринчи ва сўнгги субхидам. (<i>Рус тилидан Я.Кўчкоров тарж.</i>).	132

ҚЎШНИМ – ҚАРДОШИМ

Туркман мумтоз шеъриятидан. (<i>Туркман тилидан Б.Карим, Ж.Шарипов, О.Тураев тарж.</i>).	52
Р.СОБИРОВ. Гурганч. Романдан парча. (<i>Туркман тилидан А.Сайдматов тарж.</i>).	58
Замонавий туркман шеъриятидан. (<i>Туркман тилидан А.Сайдматов, О.Тураев, Ю.Насим тарж.</i>).	80
Н.ЖУМАЕВ. Кекса чупон ва сахро. Ҳикоя. (<i>Рус тилидан Ш.Ниёзмуҳаммад тарж.</i>).	87
О.АННАДУРДИЕВ. Рубойлар. (<i>Туркман тилидан Ш.Курбон тарж.</i>).	94

ДРАМА

У.ТЕННЕССИ. “Орзу” трамвайи. (<i>Рус тилидан А.Файзулла тарж.</i>).	100
--	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА.

Д.ҚУРОНОВ, Ф.ҲАБИБУЛАЕВА. “Ўткан кунлар” таржимаси: таҳлил ва тавсиялар....	163
Н.ШОДМОНОВ. Гўзаллик, ишқ ва изтироб шарҳи.....	172
Ш.АБДУРАСУЛОВ. Чингиз Айтматов ва ўзбек театри тажрибалари.....	178

Глобус.	185
Жаҳон хандаси.	198
Муқовамизда.	201
Қомус.	204
Журналнинг русча ва инглизча муҳтасар мазмуни.	206